

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2021 йил март ойининг 18 куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: **Х.Шамшиев**,

судлов ҳайъати судьялари: **Ф.Тураходжаев** ва **М.Юсуповлардан** иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Х.Абдуразаковнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Х.Парпиев, судланувчи С.А. ва унинг ҳимочиси адвокат С.Эсиргаповнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар \*\*\* туман судининг 2021 йил 28 январдаги ҳукмига кўра судланувчи,

**С.А.** (ААА), 19\*\* йил 4 ноябрь куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, “\*\*\*” МЧЖ раҳбари, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳри, \*\*\* тумани \*\*, 49-уй, 61-хонадонда яшовчи, эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олганга,

нисбатан чиқарилган ҳукмдан норози бўлиб судланувчи С.А. томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

С.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 (уч юз) баравари миқдорида 60.819.000 (олтмиш миллион саккиз юз ўн тўққиз минг) сўм жарима жазоси, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (юз) баравари миқдорида 20.273.000 (йигирма миллион икки юз етмиш уч минг) сўм жарима жазоси, 228-моддасининг 3-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) баравари миқдорида 10.136.500 (ўн миллион бир юз ўттиз олти минг беш юз) сўм жарима жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 310 (уч юз ўн) баравари миқдорида 62.846.300 (олтмиш икки миллион саккиз юз қирқ олти минг уч юз) сўм жарима жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра С.А., “\*\*\*” МЧЖ директори лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суистеъмол қилган ҳолда расмий ҳужжатларни қалбакилаштириб ва тақдим этиб, ўзганинг мулкани ўзлаштириш мақсадида



\*\*\* тумани, \*\*\* 5-мавзесида жойлашган 12-оилавий поликлиника объектида дераза ва ромларини алмаштириб, жорий таъмирлаш ишларини бажариш ҳақида буюртмачи – \*\*\* туман тиббиёт бирлашмаси билан 07.11.2018 йилда 03-сонли, 24.12.2018 йилда 15-сонли пудрат шартномалар асосида қиймати 283.996.166 сўмлик ишлар амалга оширилиб, ҳақиқатда 140.328.086 сўмлик ишлар ҳажми бажарилмаганини била туриб, жами қиймати 424.324.252 сўмлик 07.11.2018-24.12.2018 йил даври учун 1-сонли бажарилган ишлар далолатномаси ва маълумотнома ҳисоб-фактура (справка счет-фактура) хужжатларига ҳамда 24.12.2018-28.12.2018 йил даври учун 2-сонли бажарилган ишлар далолатномаси ва маълумотнома ҳисоб-фактура хужжатларини тузиб ва тўлов учун буюртмачига тақдим этиб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг 140.328.086 сўм миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари у, “\*\*\*” МЧЖнинг фаолияти давомида пудратчи ташкилот раҳбари сифатида \*\*\* тумани, \*\*\* 5-мавзесида жойлашган 12-оилавий поликлиника объектида дераза ва ромларини алмаштириб жами қиймати 424.324.252 сўмлик жорий таъмирлаш ишларини бажариш ҳақида буюртмачи – \*\*\* туман тиббиёт бирлашмаси билан 07.11.2018 йилда 03-сонли, 24.12.2018 йилда 15-сонли пудрат шартномаларини тузиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ўзи фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий хужжатларни қалбакилаштириб тайёрлаб, гарчанд мазкур объектда 07.11.2018- 28.12.2018 йил даврида жами қиймати 283.996.166 сўмлик ишлар бажарилган бўлса-да, \*\*\* туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи М.А. билан олдиндан тил бириктириб, 07.11.2018-24.12.2018 йил даври учун 1-сонли бажарилган ишлар далолатномаси ва маълумотнома ҳисоб-фактура хужжатларига ҳамда 24.12.2018-28.12.2018 йил даври учун 2-сонли бажарилган ишлар далолатномаси ва маълумотнома ҳисоб-фактура хужжатларига ҳақиқатда бажарилмаган 140.328.086 сўмлик ишлар ҳажмини кўшиб ёзиб, расмий хужжатларни такроран қалбакилаштириб, хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб фойдаланган ҳолда шартномалар асосида маблағлар молиялаштирилишини кўзлаб, далолатнома ва маълумотнома ҳисоб-фактураларни буюртмачига тақдим этган.

Судланувчи С.А. апелляция шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан энгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олинмасдан оғир жазо тайинланганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, зарар тўлиқ қопланганлигини, оилавий шароитини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини инобатга олиб тайинланган жазони энгиллаштиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Х.Шамшиевнинг маърузасини, прокурор Х.Парпиевнинг суд ҳукмини ўзгартириб, унга нисбатан жарима жазоси тайинлашни ва шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи ва унинг ҳимоячиси адвокат С.Есиргаповнинг апелляция шикоятини қувватлаб уни қаноатлантиришни сўраши ҳақидаги фикрларини



тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгартиришни лозим деб топди.

Судланувчи С.А.нинг суд ҳукмида баён этилган жиноятларни содир этганликдаги айби, ўзининг судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, фуқаровий даъвогар Т.Ю., гувоҳ М.А., У.И. ва бошқаларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, шунингдек, тушунтириш хатлари, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, 07.11.2018 йилдаги 03-сонли ва 24.12.2018 йилдаги 15-сонли пудрат шартномалари, 07.11.2018-24.12.2018 йил даври учун 1-сонли бажарилган ишлар далолатномаси ва маълумотнома ҳисоб-фактура ҳужжатлари, 24.12.2018-28.12.2018 йил даври учун 2-сонли бажарилган ишлар далолатномаси ва маълумотнома ҳисоб-фактура ҳужжатлари, “\*\*\*” МЧЖ томонидан 12-оилавий поликлиникада бажарилган ишларни назорат ўлчовидан ўтказиш натижаси ҳақида тузилган 2020 йил 13 февраль кунги далолатнома, юзлаштириш ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан С.А.нинг жинойи ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 3 қисмлари билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи С.А.га нисбатан жазо турини белгилашда, барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар инobatга олиниб ЖК 57-моддаси қўлланилиб жазо тайинланган бўлсада, ЖК 167-моддаси билан бир қарра оғир жазо тайинлаган кўринади.

Шу сабабли судлов ҳайъати судланувчининг қилмишидан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, зарар тўлиқ қопланганлигини, оилавий шароитини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини инobatга олиб ЖК 57-моддасини қўллаб ЖК 167-моддаси 3-қисмининг санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашни лозим топди.

Шуларни инobatга олиб судлов ҳайъати С.А.га нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгартиришни ва келтирилган шикоятни қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497<sup>26</sup>, 497<sup>30</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар \*\*\* туман судининг 2021 йил 28 январдаги С.А.га оид ҳукми ўзгартирилсин.

С.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖК 57-моддаси қўлланилиб базавий ҳисоблаш миқдорининг 130 (бир юз ўттиз) баравари миқдорида 26.354.900 (йигирма



олти миллион уч юз эллик тўрт минг тўққиз юз) сўм жарима жазоси тайинлансин.

С.А.га ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилсин.

С.А.га ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 (бир юз эллик) баравари миқдорида 30.409.500 (ўттиз миллион тўрт юз тўққиз минг беш юз) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

**Раислик қилувчи:**

**Х.Шамшиев**

**Судлов ҳайъати:**

**Ф.Тураходжаев**

**М.Юсупов**

